


«Dunyoda ilmdan boshqa najat yoʻli va
hech qachon boʻlmagay». Imom Buxoriy



IMOM BUXORIY SABOQLARI

ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal



28

O'zbekiston Respublikasi
Davlat mustaqilligini 28 yil

IMOM
BUXORIY
XALQARO ILMIY-
TADQIQOT MARKAZI
NASHRDI

"Janajon O'zbekistanim, mangu bo'l omon!"

3/2019

Ушбу сонда:

Шовосил ЗИЁДОВ. «Асрлар қаъридан таралаётган зиё».....3

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Бахтиёр ТУРАЕВ. Тасаввуф таълимотининг Дахбед мактаби.....	5
Азизхўжа ИНОЯТОВ. Имом Бухорийнинг тафсир илмига қўшган ҳиссаси.....	6
Адолат ЗИЁТОВА. Тасаввуфни англаш – ҳаёт моҳиятини англаш демакдир.....	8
Гавҳар СУВОНКУЛОВА. Махдуми Аъзам ижодида ахлоқий қарашларнинг акс этиши.....	10
Нодиржон АБДУЛАХАТОВ. Бухорий домла – Мирхалил Марғиноний.....	11
Саъийдулла ЖАМАЛОВ. Абдулхай Лакнавийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти.....	13
Сухроб ЭРГАШЕВ. Аждодлар меросига садоқат.....	15
Тоҳир ЭВАДУЛЛАЕВ. Муҳаммад ибн Абу Бакр – бухоролик буюк аллома.....	17
Бузахро БЕГМАТОВА. Фикҳий терминлар таржимасида сўз танлаш маҳорати (Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари таржимаси мисолида).....	20
Сайқал АҲМЕДОВ. Абул Баракот Насафий илмий мероси.....	22
Бахтиёр ТУРСУНОВ. “Маҳбуб ул-қулуб” асари шарқ панднома адабиётининг ноёб дурдонаси.....	24
Разия МАТИБАЕВА. Имом Абу Ҳанифанинг таълимга оид қарашлари.....	26
Нўмонжон ТўРАЕВ. Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-Кабир” асаридаги жарҳга оид иборалар таҳлили (“Мункар ал-ҳадис” ибораси мисолида).....	28

НОДИР МАНБАЛАР

Иброҳим УСМОНОВ. Ҳаким Термизий “Наводир ал-усул” асарининг қўлёзма ва нашрлари таҳлили.....	31
Масъудхон ИСМОИЛОВ. Хожа Муҳаммад Порсонинг шарқшунослик институтида сақланаётган асарлари.....	33
Барот АМОНОВ. Имом Бухорийнинг “Биррул Волидайн” асари қўлёзма нусхаси.....	35

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Ўткир АБДУЛЛАЕВ. Қадимий Ўрта Осиё аҳолисининг турли географик шароитда тарихий-маданий ривожланиш хусусиятлари.....	37
Музаффархон ЖОНИЕВ. Туркистон-Ҳижоз ҳаж йўллари (XIX аср охири – XX аср бошлари).....	39
Улуғбек МАНСУРОВ. Фарғона водийси шаҳарларида тиббиёт тизимидаги ўзгаришлар (1917-1924 йиллар мисолида).....	42
Б. ДЕҲҚОНОВ. Хожагон-Нақшбандия тариқати намояндаларининг ижтимоий-ахлоқий ғоялари.....	45
Мумин ХОШИМХОНОВ. Машраб феномени: шоир, валий ёхуд девона?.....	47
Анваржон ҚАНДАҲАРОВ. XV-XVIII асрлар Мовароуннаҳрда яшаган Шайх Худойдодлар фаолияти.....	49
Қосимбек РАЗЗОҚОВ. Ҳиндистон заминига тасаввуф таълимоти кириб келишининг тарихий шарт-шароитлари.....	51
Феруз БОБОЕВ. Ўзбекистон ССРда Совет Ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатнинг моҳияти ва таснифи.....	53
Ўткир МАТТИЕВ. Афғонистон давлатчилиги тарихида Аҳмадшоҳ Дурронийнинг тутган ўрни.....	55
Бобир ЭШКУВАТОВ. Туркистон генерал-губернаторлигида христиан черкови фаолияти.....	57
Миржалолхон АСАТУЛЛАЕВ. Историко-философские учения Абу Насра аль-Фараби об управлении городом.....	59
Қаҳрамон ЯКУБОВ. Хива вақфномалари хонлик вақф тарихини ўрганишда қимматли манба сифатида.....	61

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Гулноза СУЛТАНОВА. Ҳадисларида гуманистик тафаккур ва толерантлик.....	63
Аслиддин ХАЙДАРОВ. Ўтган ва ҳозирги замон истеъмол маданияти шаклланишида Имом Бухорий ҳадисларининг тутган ўрни.....	64
Азиз ТАЖИЕВ. Диний бағрикенгликнинг ҳадислардаги ифодаси.....	66
Нодира МУСАЕВА. “Ал-Жомий ас-Саҳиҳ” асарида инсон ва унинг ижтимоий борлиқдаги ўрни масалалари.....	67
Зухра АРИПОВА. Аббосий халифаларнинг Қоҳирадаги фаолияти борасида.....	70
Бобурмирзо БОТИРОВ. Ислам ҳамкорлик ташкилотининг тинчлик ва барқарорлик йўлидаги фаолиятида Ўзбекистоннинг ўрни.....	72

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Тамара ХЎЖАНОВА. Мафкуравий хавфсизликни таъминлашда ёш авлод масъулиятини ошириш ва уни такомиллаштириш.....	76
Юнус ХОЛИҚОВ. Глобаллашув жараёнида ёшларда бағрикенглик маданиятини шакллантириш масалалари.....	78
Баҳромжон МАМАДИЕВ. Фатволарнинг муслмон давлатларидаги тартибга солувчи роли.....	80
Муҳаммадолим МУҲАММАДСИДДИҚОВ. Араб дунёсидаги диний ва сиёсий вазиятга ташқи кучларнинг таъсири.....	83

ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ

Амина РЎЗИҚУЛОВА. Оила – никоҳ муносабатларида ислом ҳуқуқи манбаларининг тарбиявий аҳамияти	86
E'tibor MALLAYEVA. BMT tomonidan qabul qilingan konvensiya va dasturlarning siyosiy ahamiyati xususida.....	88
Эльза ШАМУРАТОВА. Қадрият тушунчаси ва унинг илмий нуқтаи назардан баҳоланиши.....	89
М. НОРМАМАТОВА. Шарқ мутафаккирлари илмий ижодида виртуалистика масалалари.....	92
Илҳом РИЗАЕВ. Ижтимоий тизимни системали ўрганишнинг методологик муаммолари.....	95
Журабек ХИДИРОВ. Туризм стратегик тараққиёт йўналишлари таркибида.....	97
Элёр АЛИМКУЛОВ. Диний рамзларнинг келиб чиқиши ва уларнинг ривожланиши.....	100
Қаҳрамон МАМАРАҲИМОВ. Миллий-маданий марказлар – миллатлараро муносабатларнинг ҳамкорлигининг ифодаси сифатида.....	102
Хусан ТЎХТАЕВ. Қишлоқ худудларида фаровонликни оширишга қаратилган моддий ва маънавий омиллар.....	104
Гулчехра ДАДАМИРЗАЕВА. Ўзбекистонда хунармандчилик кооперацияси фаолияти.....	106
Парда НОРБЎТАЕВ. Этнография ва фольклоршунослик фанларининг ўзаро этнофольклор алоқадорлик мезонлари.....	109
Ҳабиба ОБЛОМУРАДОВА. Маърифат – барқарор ва изчил тараққиёт кафолати.....	111
Нодира СУЛТОНОВА. Алломаларимиз асарларида дўстлик ва меҳр-муҳаббат масалалари.....	113
Маҳмуд НАСРУЛЛАЕВ. Ўзбекистон – Туркия: ҳамкорликнинг янги даври.....	115
Дилдора МУРАТОВА. Шарқ анъанавий ва ғарб техноген цивилизацияларининг ўзига хослиги.....	117

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Feruz MARDONOVA. Abdurahmon Jomiyning falsafiy qarashlarida diniy bag'rikenglik va umuminsoniy qadriyatlar	120
Иномжон АСАТУЛЛОЕВ. Эрих Фромм фалсафасида озодлик таҳлили.....	122
Доно ҚАЛАНДАРОВА. Шахс виртуаллашувининг фалсафий таҳлили.....	124
Баходир ҚАНДОВ. Глобаллашув шароитида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг фалсафий-ҳуқуқий масалалари.....	125
Бобир КУЙЛИЕВ. Гегел тарих фалсафасида ориентализм мафкурасининг намоён бўлиш хусусиятлари.....	128
Отабек ОРТИҚОВ. Ижтимоий-фалсафий мерос: талқини ва моҳияти.....	130
Сафар АБДУХОЛИҚОВ, Фазилат КУЧКАРОВА. Система ва структура диалектикасининг жамият ва ҳуқуқий борлиқда намоён бўлишининг баъзи хусусиятлари.....	132
Мушарраф САЛАХУТДИНОВА. Абу Наср Форобий асарларида шахс ва жамият муаммоси.....	133

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Йўлчи ХУДОЙҚУЛОВ. Глобаллашув ва жамият этосфера тизимининг емирилиши: ёшлар тарбиясида огоҳлик.....	136
Темурбек ИСМОИЛОВ. Ёшлар сиёсий жараёнларнинг муҳим унсури сифатида.....	137
Гуларам МАШАРИПОВА. Ёшлар тарбиясида Имом Бухорий ҳадисларининг ўрни.....	140
Лобар ГАДОЕВА. Ижтимоий фаол авлодни тарбиялашда соғлом турмуш тарзининг аҳамияти.....	142
Дилдора МИРАКБАРОВА. Глобаллашув жараёнида илм ва ахлоқ масаласи.....	144

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ

Шоира КУБАЕВА. Муслмон шарқи фалсафий дунёқарашида ўйин ва инновацион тафаккур ривожи.....	147
Faris MARUPOV. Ta'lim jarayonida texnik vositalarning ahamiyati.....	148

БИР ҲАДИС ШАРҲИ

Нодир ҚОБИЛОВ. Фитна содир бўлганда тик тургандан кўра ўтирган яхшироқдир!.....	150
---	-----

ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ НАМОЯНДАЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ ҒОЯЛАРИ

Б. ДЕХҚОНОВ
Бухоро давлат университети
“Ислом тарихи ва манбашунослиги,
фалсафа” кафедраси ўқитувчиси

Мазкур мақолада Хожাগон-Нақшбандия тариқати намояндаларининг ижтимоий-ахлоқий ғоялари таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур тариқатларда илгари сурилган ахлоқий тамойиллар ва меъёрларга кенг ўрин берилган.

Таянч сўзлар: Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, ахлоқ, тана, рух, руҳий камолот, комил инсон, Рашаҳот ул айнул ҳаёт.

Қадим замонларданоқ халқимиз ўзининг кўхна тарихи, бой мероси, ранг-баранг ва юксак маданияти, урф-одатлари ва анъаналари билан ажралиб турган. Халқимизнинг буюк сиймолари миллий ва жаҳон илм-фани, маданиятининг барча соҳалари ривожига салмоқли ҳисса кўшиб келганлар. Истиқлолнинг бизга берган энг буюк неъматларидан бири шу бўлдики, элимизнинг бой тарихи, миллий ва маънавий қадриятлари, етук мутафаккир аллома ва донишмандлар, диний қадриятлар ҳақидаги ҳақиқат тикланди. Буюк аждодларимизнинг маънавий меросини чуқур ўрганиш, ундан кўп миллатли ҳамда турли эътиқоддаги фуқароларимизни баҳраманд қилиш борасида юртимизда амалга оширилаётган ишлар халқимиз онгида миллий тотувлик ва ижтимоий ҳамкорлик ғояларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Биринчи Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимиз бундай улғу зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намояндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканлигини исботлаб беришдан иборатдир. Бундай ноёб ва бебаҳо бойликларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, биринчи галда, зиёлиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт” [3: 44].

Хусусан, сўнгги йилларда аниқроғи 2017 йилнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2855-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 14-15 апрель кунлари Самарқанд вилоятига ташрифлари доирасида билдирган фикрлари ва топшириқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда Ўзбекистонда Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3080-сонли Қарори ва 2017 йил 11 июлдаги “Абдуҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида”ги Ф-4988-сонли Фармойиши, 2017 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Ўзбекистондаги Ислом маданияти маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 572-сонли Қарорлари юртимизда ислом маданияти ва тасаввуф таълимоти намояндаларининг таълимотларини чуқурроқ ўрганиш ва тадқиқ этишда янги имкониятлар

This article analyzes the social and ethical ideas of Khojagon-Nakshbandiya teaching. There is also a great deal of emphasis placed on the moral principles and principles put forward by these teachings.

В данной статье анализируются социальные и этические идеи учения Ходжагон-Накшбандия. Также большое внимание уделяется моральным принципам и принципам, изложенным в этих учениях.

ва ўзига хос вазифаларни белгилаб берди.

Хозирги пайтда ёшларни миллий руҳда юксак ахлоқий фазилат соҳиблари қилиб тарбиялаш масаласига эътибор кўчайди, чунки маънавий камол топган инсонларгина демократик жамият ва фуқаровий давлатни қуришлари мумкин.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан чиқарилган қарор ва фармойишларда, маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асоси эканлиги, бу устувор йўналиш эканлиги таъкидланмоқда. Миллий қадриятларни, урф-одатларни тарихий маданий-маърифий меросни тиклаш, улғу мутафаккирларимизнинг таълимотларини ўрганиш, илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш шу асосда туғилган фикр ва мулоҳазаларни ёшлар онгига сингдириш, Ўзбекистонда тарбия ишларини тўғри йўлга қўйиш учун дунёвий таълим ютуқларини жорий этиш билан бирга, маънавий оламнинг муқаддас китоби ва рисоалари, тасаввуф илмининг намояндалари асарларидан илмий равишда кенг фойдаланиш лозимлигини тақозо этмоқда. XII-XV аср Марказий Осиё тарихий, ижтимоий, фалсафий жараёнларини тушунишда салмоқли ҳисса кўшган, хожাগон-нақшбандия тариқатининг йирик намояндалари қарашларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Жуда улкан тарбиявий-маърифий, инсонпарварлик моҳиятига эга бўлган улғу авлиёлар ва пирларнинг таълимотини ўрганиш, ўз миллий маънавиятини тиклаётган мустақил Ўзбекистонимиз халқи олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу мақсадда тасаввуфий ирфоний таълимотнинг буюк асосчиларидан бири сифатида Хожаи Жаҳон Абдуҳолиқ Ғиждувоний таълимоти ни чуқур ва пухта ўрганиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Юсуф Ҳамадонийнинг шогирдларидан бири – Абдуҳолиқ Ғиждувоний Абу Бакр асос солган “зикри хуфия”ни ҳар томонлама ривожлантирган. Шунингдек, Хусайн Воиз Кошифийнинг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” асарига ёзилишича, у тасаввуф фалсафасининг йирик оқимларидан ҳисобланган хожাগон тариқатига асос солган. Шунинг учун ҳам жаҳон хожаларининг сарвари даражасига кўтарилган ва Шарқ тасаввуфий-фалсафий тафаккури тарихида муносиб ўрин эгаллаган. Унинг таълимоти тасаввуф фалсафасининг энг муҳим оқимларидан бири хожাগон тариқати доирасида шаклланган ва ривожланган. Абдуҳолиқ Ғиждувоний ўз таълимотида баркамол инсон учун зарур бўлган одоб-ахлоқ нормаларини ишлаб чиққан. Унинг фикрига кўра, инсонни улғулайдиган энг муҳим фазилат билимли, илмли бўлишдир. Инсон ҳар қандай вазиятда ҳам илм ва тақво билан бирга бўлмоғи, айниқса, фикҳни (хуқуқни) чуқур ўрганмоғи даркор. Чунки инсон фаолияти асосан икки буюк қудрат: хуқуқ ва ахлоқ ёрдамида бошқарилади. Абдуҳолиқ Ғиждувоний инсон ахлоқий қиёфасини улғуловчи аломатлар ҳақида

гапириб, оз сўзла, оз еб-ич, оз ухла, ахли аёлдан эҳтиёт бўл, бузуқлар, кибрли бойлар ва жоҳиллар билан суҳбат қурма, хотин-халажга аралашилдан сақлан, бидъатдан узоқ тур, кўп қулма, айниқса, қаҳ-қаҳ уриб кулишдан қоч, кўп кулишдан юрак қораяди. Бошқа одамга шафқат кўзи билан боқ ва ҳеч бир кишини хор тутма, деб васият қилади.

Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний таълимоти бўлажак авлодни ҳар томонлама етук, комил инсон қилиб тарбиялашда бебаҳо ҳазинадир. Биз истиқлол туфайли барча фанлар бўйича бобокалонларимиз яратган меросни ўзлаштириш, тадқиқ, тарғиб қилиш, ўз севган соҳасида илмий фаолият билан шуғулланиш имкониятига эга бўлган эканмиз, Хожаи Жаҳондек улуг пир таълимотини ўрганиш бугунги маънавият соҳасида олиб борилаётган ишларнинг таянчларидан бири бўлмоғи даркор. Бу ҳолатни мухтарам Президентимиз 2019 йил 29-30 март кунлари Бухоро вилоятига, айниқса, Абдуҳолиқ Ғиждувоний зиёратгоҳига уюштирган ташрифлари чоғида алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Хожагон таълимоти бошқа тариқатлардан ўзининг бунёдкор таълимот эканлиги билан фарқ қилади. Хожагонликда “жамият ҳаётига фаол иштирок этиш”, “мен тариқат аҳлиданмен” деб “холи, кимсасиз жойда халқдан қочиш эмас”, “ундан оғирликни олиш”, “бу иш қўлдан келмаса, жамиятга зарар ҳам келтирмаслик” кабилар етакчи ғоялар ҳисобланади. Абдуҳолиқ Ғиждувоний таълимотича, бу фоний, ўтар дунёда одамларнинг ҳаётида фаол иштирок этиш, уларни ҳимоя этиш (тоат-ибодат билан бирга) – Аллоҳ кўрсатган йўлдан бориш ва унга яқин бўлишнинг асосий йўллари билан биридир. Мўътабар инсоншунос Ғиждувоний халқ манфаатлари йўлида хизмат этишга, унинг ҳаётини энгиллаштириш, унга иложи борича ҳар томонлама қўмаклашиш, ёрдамлашишга қақиради. Агар одам бу ишга қодир бўлмаса, ўз юкини халқ устига ташламай, бирор касбни эгаллаб, ҳалол меҳнат билан яшаши керак. “Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний ... айтибдурларки, “халқдин оғирликни кўтармак керак ва бу муяссар бўлмас магар ҳалол касб била. “Даст ба кору, дил ба ёр” деган сўз хожагон ... тариқатларида амри муқаррар (яъни бажарилиши шарт иш) турур”. “Васиятнома”да шунингдек, халққа нисбатан мужодала ҳолатида бўлмаслик, иложи борича кишидан ҳеч нарса талаб этмаслик, ўзга кишига хизмат буюрмаслик, ҳамма фақир бечораларга меҳр-шафқат кўзи билан қараш ва ҳар бир одам, айрим кишиларни паст ҳисобламаслик ва бошқа инсонпарварлик, инсондўстлик ғоя-фикрлар ўз ақсини топгандир. Улуғ пир “Мақсад ас-солиқин” номли асарларида ёшларга мурожаат этиб, “ёшлик чоғида ғурур, кибр, нафс васвасаси ғолиб келиши мумкин, бундан эҳтиёт бўлиш, йўлни тўғри танлаш керак”лигини айтдилар. Доимо ақлга мувофиқ, нафсга хилоф бўлишни таъкидлайдилар. Шуларга риоя қилгандагина инсон комил бўлади. Хожагонликда ҳам бошқа тариқатлар қатори асосий мақсад комиллик даражасига етиш. Албатта, тасаввуфдаги комил инсон билан ҳозирги давр комил инсон ўртасида фарқ бор. Лекин иккаласидаги ҳам асосий умумийлик ҳақиқий инсон бўлиш. Бу ғоя нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган. Ахлоқий поклик руҳий камолот асоси. Шунинг учун Абдуҳолиқ Ғиждувоний бу масалага махсус эътибор берган. Бундай инсонлар поклик тахтида ўтирган комил инсон эканлигидан дарак беради. Демак, комил инсон энг олий хусусиятларини ўзида пайдо қилиб, ҳаётини фақат яхши ишларни амалга ошириш билан ўтказиши лозим. Яхшиларга нисбатан дўст бўлишга кўпчилик тиришади, бироқ ёмонларга нисбатан ҳам яхшилик қилишни ҳар ким

ҳам урдасидан чиқмайди, бундай ҳаракат инсоннинг ҳақиқий поклигидан дарак беради. Яхшилик қилиш, хайрли бўлиш йўли билан ҳаётни юксалтириш, ҳақиқий инсоний ҳаёт даражасига етиш мумкиндир. Хожагон-Нақшбандия таълимоти, кубравия ва яссавиядан, энг аввало, таркидунёчиликдан воз кечиш, одамларни ҳалол меҳнатга чорлагани билан тубдан фарқ қилади. Бошқача айтганимизда, Нақшбандия бировлар ҳисобига яшашни рад этади. Фақат ўзининг пешона тери билан қилинган меҳнат ёрдамида топилган неъматларни ҳалол деб ҳисоблайди. Баҳоуддин Нақшбанднинг фикрига кўра, “инсон файзининг ибтидоси – ҳалол луқмада”, яъни инсон маънавий қиёфасидаги ҳалоллик инсоний фазилатларнинг асосини ташкил этади. Шунинг учун инсон маънавий етук бўлмоғи учун ҳалол меҳнат қилмоғи лозим. Ҳалол меҳнат маънавий-ахлоқий етуқликнинг таянч нуқтаси ҳисобланади. Турли машаққатлар эвазига яратилган ҳалол бойлик (луқма) ҳар қандай тубанликдан (худбинлик, хасислик, ғаразгўйлик, такаббурлик, макр, риё, димоғдорлик) озод қилади. Меҳнатсиз орттирилган бойлик инсон қалбини шубҳа ва таҳликага тўлдирди. Шунингдек, бировнинг соясида, бошқаларнинг обрў-эътибори ҳисобига яшашни қаттиқ қоралайди. Нақшбандия таълимотида олға сурилаётган ғоялардан яна бири, ўз хоҳиши билан камбағал ҳаёт кечириш, мол-мулк тўплашдан, дабдабали ҳаётдан воз кечиш ғояси эди. Ушбу ғояга амал қилган Нақшбанд турмуши учун зарур бўлган бир парча нонни ҳалол меҳнати билан ишлаб топди. Ҳар йили арпа, мош экиб, деҳқончилик қилди. Олинган ҳосилдан турли таомлар тайёрлаб, эски бўйра устида тановул қилди, мўндида сув ичиб, кун ўтказди. Сўфийларнинг хизматкор-чўри ёллашини маъқулламаган. Нақшбандийликда фақирликни ўз ихтиёри билан қабул қилиш энг муҳим ғоялардан биридир. Фақирлик ҳақида фикр юритганда, одамларни қашшоқликка даъват этиш тушунилмайди, балки инсон маънавий қиёфасидаги муҳим аломат назарда тутилади. Бошқача айтганимизда, “фақир” инсон маънавий қиёфасидаги камтарлик, соддалик аломатидир. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг тушунтиришича, фақирликнинг шартларидан бири – қаноатдир. Қаноат – ҳалол меҳнат қилиш малакасига эга бўлган, меҳнат қилиш кундалик табиий эҳтиёжга, ҳаётини кўникмасига айланган кишида ҳосил бўлади. Қаноат инсонни маънавий юксакликка кўтарди, кадр-қимматини оширади. Ўзлигини ва ўз қадрини англаб олишга йўл очиб беради. Кўнглидан турли нохушликларни ҳайдаб чиқаради. Тама, хасислик, тиламчилик каби иллатларни бартараф этади. Қаноатли кишининг кўзи тўқ бўлади. Бундай киши ҳеч кимнинг мақтовига, дастурхонига, базмига, ҳурмат-эҳтиромига муҳтож бўлмайди.

Нақшбандиянинг тариқат амалиёти тизимига кирган жиҳат, элементларга қуйидагилар кириди:

1. Баҳоуддиннинг ўзидан бошлаб риоя қиладиган бош ва асосий талаб, ҳалол меҳнат билан бирон касб-ҳунарни эгаллаб, ўшанинг ҳисобига кун кечириш, дарвишликни тирикчилик манбаи қилиб олмаслик.

2. Ўн бир рашҳа шундай хусусиятга эгаки, уларни сўфий, солиқ ҳам, исталган мусулмон, ҳатто тасаввуфга алоқаси бўлмаган одам ҳам билиши, риоя қилиши кўзда тутилган ҳолда ишлаб чиқилган.

3. Айниқса, умуминсоний қадриятларга риоя қилиш (ота-онани ҳурмат, кичикларга иззат; ожиз, қашшоқларга меҳр-шафқат ва ҳ.к.) нақшбандия тариқати амалиёти талабларининг янада универсал ва инсонпарварлик йўналиш-мазмунга эга бўлганлигини кўрсатади.

4. Нақшбандия тариқати амалиётининг баъзи махсус: намоз тиловати, луқмада ҳалолликка ҳушёр бўлиш, худ-

бинликни инкор этиш, кибрдан қочиш, зарури пул, ҳадя, эҳсон қилиш каби умуминсоний талаблар чегарасидан четга чиқмаган.

5. Нақшбандия тариқати амалиётининг яна бир махсус талаби тариқатни ислом билан уйғунлаштириш, шариат қонунлари, талаб-қоида ва меъёрларига қатъий, изчил ва онгли тарзда риоя қилиш, улар доирасидан чиқмасликдан иборат.

6. Нақшбандия тариқати амалиётининг яна бир ўзига хос, бошқа тариқатлардан яққол ажратиб турадиган хусусияти инсон кўрсатадиган меҳр-шафқатнинг фақат инсонларгагина эмас, балки космологик, глобал аҳамиятга эга эканлиги ва бошқалар.

Нақшбандийликда ислом, шариат ва тасаввуфни уйғунлаштиришга алоҳида эътибор берилиб, улар ўзаро узвий диалектик боғлиқликда ўрганилган. Нақшбанд тариқат ҳақида: “Бизнинг тариқамиз урвату-л-вусқо (кучли тутқич)нинг нодир кўринишларидандир, яъни панжани Муҳаммад Мустафо..., суннатининг тобелик этагига уришдир ҳамда улуғ саҳобалар..., изларидан юришдир. ... Бу тариқатда, ... суннатга риоя қилиш улуғ ишдир” [1: 78] деб ёзган. Баҳоуддин тасаввуф, тариқат ва ислом, шариатнинг ўзаро алоқаси ва муносабатини қуйидагича изоҳлаб, берган: “Мағиз пўстнинг ҳимоятида бўлади. Агар пўстга нуқсон етса, мағизга ҳам таъсир қилади. Агар шариатда нуқсон бўлса, тариқатга нуқсон юзланади” [1: 197]. Баҳоуддин Нақшбанд ислом, шариатни келтириш, уйғун қилиш борасида ўзидан олдин ўтган салафлари Ғаззолий, Арабий, Аҳмад Яссавий, Али Ромитаний, Амир Кулоллар бошлаб берган ҳаракатни маълум маънода мантиқий ниҳоясига етказган. Нақшбандия тариқати ислом, шариат билан уйғунлашув йўлидан бориб, уни янги давр, шарт-шароитлар учун ҳозиржавоб қиладиган йўл-йўриқларнинг бутун бир муқобил тизimini яратган. Нақшбандия тариқати ўтмишдошлари каби ўз фаолиятини ислом, шариат, Қуръони карим ва ҳадислар асосига қурди. Улуғ инсонлар томонидан ай-тилган фикр-мулоҳазалар, ҳикматларни – рашҳалар

деймиз [4: 34]. Юсуф Ҳамадоний, Абдулҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд сўфийлар амал қилиши зарур бўлган хулқ-одоб қоидаларини ишлаб чиққанлар ва улар “рашҳа” деб аталган [5: 44]. Хожагон-Нақшбандия тариқати етук намояндalarидан бири Хожа Аҳрор Валийдир. Хожа Аҳрор Валий ҳам ўз даврида ўзининг илғор ахлоқий қарашларига эга бўлган мута-саввифдир. Хожа Аҳрор Валий рашҳаларидаги ахлоқий қарашларининг моҳияти марказида инсон руҳий камолоти, хулқ одоби туришини таҳлил этган. Хожа Аҳрор Валий рашҳаларидаги бева-бечора ва муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, хайр-эҳсон қилиш, барчага, ҳатто, ёмонлик қилган одамга ҳам яхшилик қилиш, ахлоқий пок одамни тарбиялаш, сабр-қаноатли бўлиш, нафсини тийиш, худбинлик ва тубан иллатлардан қутулиш, молу дунёга ҳирс қўймастик, ҳалол меҳнат билан шуғулланиш, покланиш йўли билан руҳий юксакликка кўтарилиши ҳақидаги фикрлари ёритиб берилган.

Хожа Аҳрор Валий рашҳаларида кўрсатилишича, “Даст ба кор” ва “Дил ба Ёр”лик ҳолати инсонни меъёрда сақлайди. Инсондаги тана ва руҳ уйғун камол топади, моддийлик ва маънавийлик унга парвоз учун “икки қанот” [3: 65-70] бўлади. “Даст ба кор”ликка меъёридан ортиқ боғланиш дунёпарастлик, молпарастлик, моддийликка берилишга олиб келиши ва инсон бир томонлама, бир ёқлама, чекланган ҳолда “бир қанотли қуш” каби бўлиб қолиши мумкин. “Дил ба Ёр”ликнинг фақат ўзигина бўлса инсонни охиратпарастлик, руҳиятпарастликка олиб келиб, ундай одам жамият ҳаётидан узилиб, бир ёқлама бўлади. Инсонда моддий ва маънавий томонлар уйғун бўлса, тўлақонли ҳаёт кечириб, оиласи, жамият учун керакли ва фойдали одам бўлади. Шунинг учун ҳам Хожа Аҳрор Валий Хожаи Жаҳон айтган “Даст ба кору, дил ба Ёр”лик ғоясини махсус рашҳа сифатида толиби илмларга таъкидлаган. Бу рашҳа инсонда динийлик ва дунёвийликнинг уйғун бўлишига ва икки томонга ҳам меъёрда муносабатда бўлишга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. – Т.: Ёзувчи, 1993.
2. Каримов И.А. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Президент И. Каримовнинг “Туркистон пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари // Халқ сўзи, 1999 й. 16 март.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
4. Ориф Усмон. Хожа Али Ромитаний. Мулоқот, № 6.
5. Сафарова Н. Хожагон тариқати. – Т., 2003.

МАШРАБ ФЕНОМЕНИ: ШОИР, ВАЛИЙ ЁХУД ДЕВОНА?

Мумин ХОШИМХОНОВ
ЖДПИ фал.ф.д.

Ушбу мақолада шоир ва мутафаккир Бобораҳим Машраб феномени, унинг валийлик сифатлари, шунингдек, девоналиги тўғрисидаги адабий фикрлар баён қилинган.

Таянч сўзлар: суфизм, мажзуб, маърифат, тавҳид, девона, ориф, қаландар, ҳирқа, комиллик, хассос, жозиба, мантиқ.

Мустақиллик шарофати билан улуғ валийлар қадрияти тикланиши хусусида адабиётшунос Ш. Сирожиддинов қуйидаги фикрларни келтирган:

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда қадим миллий-диний қадриятларимизни тиклаш йўлида жуда катта ишлар қилинди. Халқимизнинг илмий-маънавий тафаккури юксалди, ҳақ ва ноҳақ таълимотларни фарқлашга ўтди. Соғлом эътиқод шакллана бошлади. Буюк бобокалонларимизнинг ибратли ҳаёти ва таълимотларини чуқур

This article investigates phenomenon of the writer and philosopher Boborahim Mashrab, his features of and literary thoughts about his madness.

Статья исследует феномен писателя и мыслителя Боборахима Машраба, его чертах характера и литературные идеи о его сумашедшей особенности.

ўрганиб, ўз эътиқодини занг ва ғубордан сайқаллади. Хусусан, бугунги кунда Абу Мансур Мотуридий, Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Нажмиддин Кубро, Абдуҳолик Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳақидаги рисола-лар ҳар бир хонадоннинг азиз мулкига айланди, десак муболаға бўлмас [6: 3-4].

Машраб шеъриятида мажзублик аломатлари сезилади. Онасига бағишланган шеърида: “Жазби жунуним